

ЧЎЛПОН ИЖОДИННИНГ ДАСТЛАБКИ ТАЛКИНЛАРИ

Б.Каримов

XX аср тоңтида ўзбек адабиёти осмонида янги шоир сифати билан Чўлпон пайдо бўлди. Тинамисиз шеърлар ёзди.

Ойлар, йиллар ўтди. Вакти келиб, Чўлпон шеърлари моҳияти ва кайфиятидан, мафкураси ва ёшларга таъсири хусусидан баҳс юритадиган адабий-илмий, ижтимоий-сиёсий давралар майдонга кела бошлади.

20-йилларда матбуот ривожига алоқадорликда анирок бўй кўрсата борган замонавий ўзбек танқидчилиги адабий жараённи бахолашга интилар, айниқса, янги ўзбек шеъриятига алоҳида эътибор берар эди.

Давр шеъриятига доир тағсилӣ (обзор) мақолаларда шоир Чўлпон номи биринчи бўлиб тилга олинар, янгиланиш жараённинг энг талантли ва умидли вакили ўлароқ сифатланар эди, албатта. Чўлпон ўзбек мумтоз шеърияти аньаналарига ўҳшамаган бир услубда жўшиб ёзётган, замондошларининг маиший ахволи, элжуртнинг забун ҳолатини баён этаётган бир давр эди бу. Тўгриси, шоир оқибатини ўйламай, келажакда ўзини қандай даҳшатли фожелар кутаётганини хаёлига ҳам келтирмай сўйлаётганди. Чўлпон яхілигини танилган эди. Такрор айтамизки, шоир шеърларининг ўкувчи ихлос-мандлари, тизмаларини тарғиб-ташвиқ этувчи, таҳлил ва талқин қилувчи, баҳслашувчи ва айбловчи қаламкашларнинг адади ҳам тобора кўпая борди.

Чўлпоншуносликнинг дастлабки босқичида шоир ижодига оид маҳсус адабий танқидий мақолалар тақриз характерида эди. Бирин-кетин нашардан чиқсан "Ўйониш", "Булоклар", "Тонг сирлари" тўпламларига багишилаб З.Башир, А.Шукрий, В.Махмуд, А.Қодирийлар томонидан ёзилган тақризлар фикримизни асослаиди.

Бу манбалар хусусида проф. О.Шарафиддинов ва ф.ф.н. З.Эшоновалар ўз асарларида бир оз маълумот бериб ўтганлар[1]. Бизнинг мақсадимиз эса шоир Чўлпон истеъододини қадрлаган ва ижодини ўзига хос тарзда талқин этган ўша дастлабки мақолалар устида нисбатан батағсил тўхталишдир.

"Туркистон" газетасида 1923 ийли шоирнинг "Ўйониш" тўплами ҳақида айни сарлавҳали кичик бир хабар-тақриз эълон килинган эди. Мақола таҳририятнинг ўзига тегишли бўлса керакки, унга маҳсус имзо кўйилмаган. Бунда Чўлпон чукур текширилмайди, бироқ шоирнинг "писсимизми" "ачинарлик хусусият" эканлиги алоҳида кўрсатилади:

*"Нечун очилди кўзим, ҳайга кетти уйгуларим,
Бу ўйонишда тўлиб тоши - оиди қайгуларим."*

Мана бу ўқиниш, койиш, умуман бир умидсизлик (писсимизм) бизнинг сўнги давр адабиётимизнинг кўзга кўринарлик ва ҳақиқатан ачинарлик хусусиятидир"[2]. Шоирга қўйилган бу ташхис то қатлига қадар уни таъқиб этди; турли йўсунда тез-тез тақрорланиб турди.

Афтидан, З.Башир шоирга келажакда тавки лаънат ўлароқ тамғаланувчи сифатларни олдиндан сезган кўринади; шу сабаб зимида фикрлар жантига киришади. Фикримизча, унинг "Ўзбек шоир Чўлпон шеърлари" ("Ўйониш" маъмуасининг босилиши муносабати билан) номли мақоласи шу сезги маҳсулидир. Мунаққид тўпламга тақриз баҳонасида юкорица келтирилган имзосиз мақоладаги даъвони рад этишга интилади.

Зариф Башир дастлаб Чўлпоннинг "чин шоир" лигини, шеърларининг текис, нағис, хислик, очик-лигини алоҳида таъқидлайди, умуман шоирнинг истеъододини, услуби ва тилини юкори баҳолайди. Сўнгра кайфият масаласига ўтади: "Бу кунги ёштаримизни тарбия килишда, уларни умидлик, тирикчиликка тўғри ва очик қарарлик қилиб тарбиялашнинг лозим бўлғонлиги ҳаммага маълумдир. Ёштаримизнинг юрак ва хисларини тарбиялашда шеър ва адабиётнинг таъсири ҳам жуда кўб бўлғонидан шоирнинг умид ва имони тўгрисида ҳам ёзиш лозимдир. Чўлпон ўртоқла зор ва фигон жула оз. Ул зор ва фигонларни ёзганда ҳам уларни умидлик иборалар билан үшунтириб кетадир"[3]. (Таъкил бизники - Б.К.) Шунга мувоғик шеърни сатрлар ҳам келтиради. Такрор айтамизки, бу иктибослар ва умуман З.Башир мақоласида юкоридаги имзосиз мақолани "таҳрир килиш", омма фикрини Чўлпонга нисбатан "тўғри йўналиш"га буриш истаги билинади.

Мақола охирида, кейинчалик жуда катта адабий-сиёсий баҳслар мавзусига айланиб кетган, Чўлпоннинг қайси ижтимоий тоғфага мансублигидан ҳам сўз очиб кўяди: "... ул ҳалқ шоирни эмас, ҳалқка якин знёлилар шоиридир", дейди. Шоирнинг айрим камчиликларини ҳам айтади. Аммо Берлинда таҳсил олаётган Ахмад Шукрий "Ўйониш"да нуқсон кўрмайди, изламайди ҳам. Ҳаяжонини ёзди. Шоирни Шекспирга тақкослайди: "Ўйониш"ни неча топкирлар ўқиб чиқдим, Шекспирни мутолаа этдим. Энг сўнг Шекспир Чўлпондир ёхуд Чўлпон Шекспирдир

фикрига келдим. Чўлпон шеърлари Шекспир жўшқинлиги билан тўладир ..."[4].

Айни ҳаяжонли ва жўшқин фикрларга монанд мулоҳазалар В.Махмуднинг "Чўлпоннинг "Булоклари" номли такриз-маколасида ҳам кузатилади. Шоир билан ўзаро адабий-илмий ҳамкорлиги ва шахсий дўстона мулоқотлари мавжуд бўлган мунаккид Чўлпоннинг янги тўплами ўзбек адабиётига янги бир оҳанг олиб кирганигини, унда ўзбек элининг руҳи, сезгиси, қайнашини, ўзбек тилининг имкониятлари наамоён бўлганигини алоҳида уқдиради. "Чўлпоннинг "Булоклар" отлиғ янги шеърлар тўплами босилиб чиқди. Чўлпон ўзбекнинг янги шоиридир, шунинг учун ўзбек элининг бутун руҳи, хоти, сезгиси "Булоклар"да кайпайдир. Ўзбек тили, ўзбек оҳангни "Булоклар"да сайдрайдир, ўкуйдир. Ўзбек руҳий тўлқунлари бунда кўпиралидир, кўклар томон учадир, кўтариладир"[5].

Кизгин адабий жараённинг ўзида кўтаринки руҳда битилган мақола маҳсус изоҳга муҳтоҷ эмас, албатта. Аммо унда "кўр вижлонларга лальнатлар ўқудим" ёки "Ўзбек янги шоирларининг оҳангизз бўлишини узлмайсан сўйлай-турғон оғизларга "Булоклар" туғурадир" сингари айrim таъбиrlар борки, улар адабий танқид этикасига унча мос келмайди. Буни тушуниш мумкинлар. Чунки 20-йиллар адабий танқиди, умуман, матбуоти учун бир оз чегарадан чиқиши, бир оз бирорнинг шахсиятига тегиши, фикрни тоҳида жиндан кўполроқ ифодалаш холлари кўплаб учрайди ва табиий хусусиятдек таассурот беради.

30-йилларга келиб Абдурахмон Саъдий ҳам Чўлпонни танқид килувчилар сафидан жой олган эди[6]. Аммо унинг Чўлпонга муносабати 20-йилларда ўзгача - анчайин холисга ўхшаб кўринади. У шоир номини турли тағсилий мақолаларида яхши маънода тилга олгани холда, 1924 йили "Ўзбек ёш шоирлари" сарлавҳали мақоласида Чўлпонни маҳсус текширади. А.Саъдийнинг бу асарига, аввало, чўлпоншуносликнинг биринчи босқичидаги дастлабки мұфассалроқ таъкидлардан бири сифатида қараш ўринидир. Иккинчидан, мақола олимнинг "эволюцион илмий йўлини", ўзига хос фикрлаш тарзини ва сўзга масъулиятини ойдинлаштиришга ёрдам беради. Мақолада А.Саъдий шундай сатрларни ёзади: "Ёш ўзбек шоирлари орасида ўзининг шоирлик кучини тез вакт ичida танита олғон энг биринчи шоир Чўлпондир. Чўлпон чин маънени билан рўмантик бир юрак шоири (лирик)-дир. Лекин унинг юраги шахсий хиссият билан тўлғон ва кайнагон юракдир ...".

Бу шоир чукур ҳам ичка тушуна оладир. Унинг фикрлари куюқ, тифиз; ўхшатиш ва ис-

тиоралари, киноялари янги ҳам ўзичадир. Сўрог ва хитоблари ва шеърий сифатлари ҳам ўтқир, кескин бўлиб чиқадир"[7]. Адабиётчи шу тарзда шоир ижодига хос муҳим хусусиятларни таъкидлаб, мисоллар билан баён этиш баробарида ўзига маъкул келмаган айrim нуқталарга ҳам ургу беради. Яъни талқинчи "бу шоир энди ўзи тўғрисида салбий ё ижобий, катъий ҳам очик фикрлар баён этишга етарли сармоя берадир" деган икки киррали мулоҳазасининг ҳар иккиси жиҳатига тўхталаши. Мактайди ҳам. Танқид ҳам килади, "бъазни бир салбий ёклар", "оқсанган нуқталарнинг" саккизтасини ракамлар остида бир-бир санайди. Албатта, мақоладаги айrim мужмал ифодалар, баҳсли ўриниларда муаллиф билан тортишиб мумкин. Бирок муҳими шундаки, бу талқинлар шеъриятнинг бадиияти ва техникасига тегишли бўлиб, ижодкор зинмасига ҳеч қандай сиёсий кўрсатма ёки марксистча талабларни юкламас эди. Адабий-илмий муҳитда бир нафаслик эркинлик бордек эди. А.Саъдий шоир дардини ўзича тўғри англайди ва шундай ёзади: "Шоирнинг илхомланишида омил - муҳитдир. Омилдан тотлик келмагандан кейин чашма тотлик бўлмаслиги яна мальум. Шунинг учун шоирни бу ҳақда айблаб бўлмайди"[8].

Юкорида айтиб ўтилганидек, кейинчалик "Чўлпон ва чўлпонизм" баҳсларига аралашган А.Саъдийнинг ўзи ўзига карши чиқиб, Айн (Олим Шарафиддинов) ва Усмонхон Эшонхўжаевларга ўхшаб "айблаб бўлмайди"ган масалада шоирни танқид этишга киришиб кетади. Аникроги шунга мажбур бўлади.

20-йиллар охирида Чўлпоннинг кимлигини, ижодининг моҳиятини ва мағкурасининг қандайлигини аниклиш лозим бўлиб қолади. Айни вазифа марксчи-ленинчи адабиётчи Айнининг чекига тушади. 1927 йили 14 февралда "Кизил Ўзбекистон" газетасида унинг "Ўзбек шоирлари, Чўлпон" мақоласи босилиб чиқади. Бу пайтга келиб, давр қалтислик сари юз тутганди. Чўлпон типидаги шоирларнинг миллатпарварлити, ватанпарварлиги, хаёлга берилышини "миллатчилик, ватанпарастлик, бадбинлик" ва "жинниларча ховлиши" тарзида баҳолаш даври стилиб колган эди. Кун сайин мустаҳкамланисб бораётган манфур "давлат механизми" миллтий қайфиётдаги зиёлиларни мажаклаб ташлашга чоғланаштган эди. Санъат ҳам, адабиёт ҳам, илм ҳам, хусусан, адабий танқид ҳам "ягона давлат сиёсати"га дастёрлик остоасига келиб қолганди. Бу "азиз вазифа"нинг дастлабки маҳсулни, албатта, Айнин Чўлпон мағкураси ва ёцларга таъсирини текширувчи мақоласи бўлди. Хозирги давр талабидан қараганда, айникса, чўлпонлар эъзолаётган хозирги кунда мақоладан жуда

күп кўчирмалар олиб Айнни аёвсиз танқид этиш мумкин. Йқтибосбоп ўринлар анчагина. (Колаверса, ёв кочса, ботирлар кўпайиб колади.) Аммо яна бир нарсани айтиб ўтиш керак. Мақоладаги айбловга ташналик оҳантини бир оз таҳрир қилиб ўкиб кўрайлик. Шунда Чўлпоннинг шъёрларига хос айрим хислатлар тўғри илғаб олинганд бўлади; Чўлпон фикрни рамзий йўсина беради; Чўлпон ватан озодлитетини севади; Чўлпон мустамлакачи руслар сиёсатини ёқтирумайди; Чўлпон миллий шоир, ҳеч қачон пролетариат шоири бўлмаган ва бўла олмайди ва х.к.

Айн сиёсий жиҳатдан хавфсиз ўринларда, яъни шоир тили ҳакида шундай ёзди: "Унинг тили содда, ҳар турлик туйгуларни ифода қилишга ярарлик ҳам нуқсонсизdir. Бу кунти ўзбек адабий тили, шубҳасиз, Чўлпон тишидир"[9].

Айнинг марксизмдан хабари бор. Бошқачароқ айтганда, инсон маънавий-рухий дунёсини жамиятнинг иктисолий омилларига ем килган марксизм балоси адабий танқид майдонига ҳам қадам кўйди. Синфиийлик, шоирларни тоифаларга ажратиш шу балой шарпанинг талаби эди. Айн бу жиҳатни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Чўлпоннинг йўқсиллар шоири эмаслигини исботлаб бергандек бўлди. Ишчи-дехкон, пролетарнат синфиига мансуб бўлмаган ижодкор, табииики, қалбига юксак орзу-умидларни жойлаган давр ёшларига салбий тъсирини ўтказиши мумкин. Ҳар ҳолда янги давр танқидчинининг фикри шундай. Акс ҳолда Айн мақоласи оҳирда: "Чўлпон асарлари бостирилар экан, уни қаттиқ таҳдил қилиб, кучти сензурадан ўткашиб, мувофиқларини босиш керак", деган қаттий таклифни ёзмаган бўлур эди.

"Кизил Ўзбекистон"нинг изоҳича, мақола мубоҳаса йўли билан босилган. Шу маънода баҳсга Ойбек аралашади; "Чўлпон. Шоирни кандай текширмак керак?" номли мақола ёзди [10]. Айн мақоласидаги айрим ҳақоратомуз таъбирлар янги замон шеъриятининг зўр ихломанди бўлмиш Ойбекнинг қалбини ўргайди. У ўз мақоласида бадиий асарни текшириш усули масаласига тўхталиб, "социологический метод"га кўра иш кўриш лозим, шундагина "адабий сирлар"дан воқиғ бўлиш мумкин, деган фикрни илгари суради.

Ойбек "адабиёт - синфий" деб хисоблайди. Чўлпоннинг пролетарнат шоири эмаслигини айтади. Шоирни тушунишни истайди. Унинг шеърлари севиб ўқилишини хоҳлайди. Руслар Пуш-

кин меросини эъзозлар экан, демак, биз ҳам Чўлпон шеърларидан "кўл торта олмаймиз" деган фикрни ўргатга қўяди.

Чўлпондаги мағкуравий жиҳат масаласи Ойбекнинг мақоласи билан якун топмайди, аксинча, баҳсга Усмонхон исмли мунакқид ҳам аралашди, "Мунакқиднинг "мунакқиди"[11] деган мақоласида Айнинг барча қоралашларини ёқлаб чикади. Ҳуллас, муаллиф даврнинг сиёсий мағкурасини, мағкуранинг адабий сиёсатини, Айнек адабиётчининг фикрларини кувватлай туриб, Ойбек фикрларини назарга илмайди; Чўлпонни ҳам менсимайди. Албатта, Ойбек бундай муносабатларга нисбатан жимиб тура олмади. "Мунакқиднинг "мунакқиди" мақоласининг эгасига" мақоласини ёзди. Ойбек кўпина масалаларда Усмонхон билан келиша билмайди, тортишади. Аммо ҳақ гап бўлса, искитнамай тан олади. Мисол: "Ҳар кимнинг янгилиши мумкин. Айнинса, мен каби ёш. "Чўлпоннинг мағкураси эмас, балки яратган бадиий намуналари ўқулади, воз кечилмайди", дейишм зўр хато. Ҳақиқатан, бадиий асарда шакл билан мазмун айри-айри моҳият ташкил килмасдан, балки бир единство ташкил қилас экан, бу тўғрида Усмонхоннинг "Ўлма, илмий метод!" дейинши жуда тўғри. Шакл ва мазмун устида Усмонхоннинг фикрлари бир ҳақиқатдир"[12].

Тўгриси, синфиийлик ва метод масалаларида Ойбек Айн ва Усмонхондан кўп ҳам узоклашиб кетган эмас. Аммо Ойбек бадиий адабиёт гўзалигини хис этиш ва моҳиятини теран англаш жиҳатида улардан анчагина фарқланади. Ойбекнинг юқоридаги мақолаларида ҳам кейинти фаолиятида ҳам бу фазилат сезилиб туради.

Вакт ўтиши билан янгидан-янги дастёрик вазифаларини ўз зиммасига олаётган адабий танқид майдонидаги "Чўлпон ва чўлпонизм" баҳслари тўхтамади. Аксинча, баҳс-мунозаралар, ижодкорларнинг фикрни қолипиташга интилиш жарёни кент авж олди. Бу доирага нафакат Чўлпон, балки Абдулла Кодирий, Абдурауф Фитрат каби сиймолар ҳам тортилди. Кетма-кет душман изловчи танқидий руҳдаги мақолалар босилиб чикаверди. Давр аллакачон ўзгариб бўлган, социализм ҳам узил-кесил ғалабага яқинлашиб қолган эди. Адабиёт майдонида қизил мунакқидлар гегемонликни ўз кўлларига олиб, мутлоқ хукмронлик ўрнатиш ҳаракатида давом этар эди. 30-йиллардаги вақтли матбуот саҳифаларини вараклаган киши бунинг гувоҳи бўлиши мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Шарафиддинов О. "Чўлпонни англаш", Т., "Ёзувчи" нашриёти, 1994 йил. Эшонова З. "Чўлпон шеъриятининг гоявий-бадиий хусусиятлари", КД. Т. 1991.
2. "Уйғониш", "Туркистон" газ., 1923 йил 23 март.
3. Башир З. "Ўзбек шоири Чўлпон шеърлари", "Туркистон" газ., 1923 йил 4 май.
4. Шукрий А. "Чўлпон - чўлпондир", "Кўмак" журн., 1923, 1-сон. Мақолани Ш.Турдиев "Фан ва турмуш"да (1989 й 10-сон) қайта эълон қилган.
5. Махмуд В. "Чўлпоннинг "Булоклари", "Туркистон" газ., 1923 йил 10 декабрь.
6. Бу ҳадда қаранг: Қаршибоев М. "Мухит эркидаги тутқунлик", "Шарқ юлдузи", 1990, 10-сон.
- 7.8. Сайдий А. "Ўзбек ёш шоирлари", "Зарафшон" газ., 1924 йил 27 февраль, 2 март
9. Айн. "Ўзбек шоирлари, Чўлпон", "Кизил Ўзбекистон" газ., 1927 йил 14 февраль.
10. Ойбек. "Чўлпон. Шоирни қандай текширмак керак?", "Кизил Ўзбекистон" газ., 1927 йил 17 май.
11. Усмонхон. "Мунакқиднинг "мунакқиди", "Кизил Ўзбекистон" газ., 1927 йил 22; 23; 27 июнь.
12. Ойбек. "Мунакқиднинг "мунакқиди" мақоласининг эгасига", "Кизил Ўзбекистон" газ., 1927 йил 28 август.

РЕЗЮМЕ

Научная статья Баходира Каримова "Первоначальные интерпретации творчества Чулпона" посвящена литературной деятельности узбекского поэта Абдулхамида Чулпона. Здесь говориться об изучении творчества А.Чулпона в литературоведении.

В статье автор размышляет также об истоках литературной критики в 20-х гг. В частности, он останавливается на бесстрастных суждениях таких личностей как З.Башир, В.Махмуд, А.Саади, А.Кодири.

Б.Каримов в своей работе анализирует литературные полемики (споры) относительно "чулпонизма", нашедшие выражение в первых научных статьях 20-х гг. Здесь автор приводит статью Айна (Олима Шарафуддинова) под названием "Узбекские поэты, Чулпон", опубликованную в газете "Кизил Узбекистон" ("Красный Узбекистан") 14 февраля 1927 года.

Автор показывает, как в свою очередь по данному поводу дискутируют Айбек и Усманхан, анализируя те или иные стороны творчества Чулпона.

В заключении Б.Каримов отмечает разные подходы к творчеству Чулпона в 20-х гг.

RESUME

Bahodir Karimov's scholarly research on "The Previous Interpretation of Chulpon's Literary Creations" deals with the Uzbek poet Abdulhamid Chulpon and his contribution to the literary study.

The author of this article gives various views and opinions on such figures of the Uzbek literature as Z.Bashir, V.Mahmud, F.Saadi, A.Kodiri due to the origins of the literary critics in 1920 s.

Thus, the author analyses the first scientific works on "Chulponizm" controversy.

The research reveals this problem against a background of Ain's (Olim Sharafitdinov) article "Uzbek poets, Chulpon", published on 14 February 1927 by "Kizil Uzbekiston" ("The Red Uzbekistan").

The involving of Oibek and Usmonkhon in to this literary polemics help to think analitically about the stated problem.

Bahodir Karimov concludes his research with the emphasis on the diverse literary interpretations concerning Chulpon in 1920 s.